

## КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

**Юлдашев Кодиржон Мамаджанович**

Наманган мұхандислик-технология  
институти “Бухгалтерия ҳисоби  
кафедрасы” доценти, и.ф.н.

Тел: +998934041150

e-mail: [qodirjonaka@mail.ru](mailto:qodirjonaka@mail.ru)

**Махамадалиев Бобурбек Баходир ўғли**

Мустақил тадқиқотчи

Тел: +998 94 277-88-98

e-mail: [mbobur313@gmail.com](mailto:mbobur313@gmail.com)

**Аннотация:** Мазкур мақолада мамлакатимизда кичик бизнес соħасида олиб борилаётган ислохотлар, жумладан, туризм соħасида самарадорликни ошириш, соħадаги муаммо ва камчиликлар, хорижий тажрибалардан фойдаланган ҳолда туризм соħасида тадбиркорликнинг қисқача назарий ва амалий асослари борасида фикрлар баён этилган.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес, туризм, тадбиркорлик, туризм индустрияси, хусусий корхона, давлат хисусий шериклиги.

**Abstract:** In this article, the reforms carried out in the field of small business in our country, including the improvement of efficiency in the field of tourism, problems and shortcomings in the field, brief theoretical and practical foundations of entrepreneurship in the field of tourism using foreign experiences are presented.

**Key words:** small business, tourism, entrepreneurship, tourism industry, private enterprise, public private partnership.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются реформы, проводимые в сфере малого бизнеса в нашей стране, в том числе повышение эффективности в сфере туризма, проблемы и недостатки в этой сфере, краткие теоретические и практические основы предпринимательства в сфере туризма. с использованием зарубежного опыта.

**Ключевые слова:** малый бизнес, туризм, предпринимательство, туристическая отрасль, частное предпринимательство, государственно-частное партнерство.

## КИРИШ

Мамлакатимизда бугунги рақамли иқтисодиёт шароитида туризм хизматлар соħасида олиб борилаётган ислохотлар шароитида туристик корхоналар фаолияти миллий иқтисодиётнинг жадал ривожланиб бораётган тармоқларидан

бири саналади. Янги иш ўринларининг яратилиши, инфратузилма объектларини модернизатсиялаш ушбу соҳа тараққиёти билан уйгун кечади. Шу муносабат билан, Ўзбекистон иқтисодиёти стратегик секторлардан бири сифатида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Бу еса минтақаларни жадал ривожлантириш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, шунингдек, инвестиция жалб қилишни яхшилаш имконини беради.

Бунинг учун, албатта, туристик корхоналарни самарали бошқариш ва хизматлар соҳасини тўғри ташкил этиш ва етказиш борасида ёш кадрларни билимини замон талабига жавоб берувчи, ҳар тамонлама халқаро стандартларга мос бўлган, келажакда халқаро туризм соҳасини бошқариш салоҳиятига эга кадрларни тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

Туризм соҳаси субъектларининг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётига таъсир этаётган омиллар бўйича ўтказилган таҳлилларга кўра республикамида туризм соҳасидаги инвестицияларни молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган бир қатор долзарб муаммоларнинг мавжудлигини кўрсатди. Бу борадаги ана шундай долзарб муаммолардан бири бўлиб, молиялаштириш манбаларининг етишмаслиги ҳисобланади.

Республикамида қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиш даражасининг паст эканлиги, туризм соҳасидаги инвестицияларнинг ташаббускорларида пул оқимининг заиф эканлиги молиялаштириш манбалари етишмаслиги муаммосини чуқурлашишига хизмат қилмоқда.

Корпоратив молияда капиталнинг реал баҳоси маблағларни жалб қилиш учун сарф қилинадиган вақт ва риск омилларини ҳам ўз ичига олади<sup>1</sup>. Шу билан бирга, эътибор қаратиш талаб этиладиган даражада мураккабликлар, аниқлик даражасини пасайтирувчи объектив ва субъектив омиллар мавжудлигига қарамасдан капитал ёки унинг алоҳида компонентлари баҳосини аниқлаш, ҳеч бўлмагандага тахминий баҳосини белгилаш муҳимдир.

Туризм соҳасидаги инвестицияларни молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолардан яна бири – бу инвестиция лойиҳалари билан боғлиқ бўлган рискларни бошқариш амалиётини такомиллашмаганлигидир.

Инвестиция лойиҳалари тўла қувватда ишламаслиги уларнинг техник-иқтисодий асосномасида кўрсатилган кўрсаткичлар билан ҳақиқатдаги кўрсаткичлар ўртасида жиддий фарқланишларни юзага келишига олиб келади. Бундай ҳолатнинг юзага келишининг асосий сабаб бўлиб, маркетинг

<sup>1</sup> Modigliani F., Miller M. The Cost of Capital, Corporate Finance, and the Theory of Investment // American Economic Review, v. 48. (1958).

тадқиқотларини сифатли олиб борилмаганлиги ҳисобланади. Технологик рискларни юзага келиш сабаблари бўлиб, технологик ускунани нотўғри танлаш, технологик қарорларни қабул қилишдаги хатоликлар, инноватсион лойиҳани экспертизасидаги хатоликлар ҳисобланади.

Технологик рисклар тўлиқ инсон омили билан боғлиқ бўлиб, инвестиция лойиҳасининг самарадорлигига фавқулотда кучли таъсир кўрсатади. Технологик рисклар таъсирида бутун бошли бир обьект йўқ бўлиб кетиши мумкин. Дунё амалиётида, шу жумладан, Ўзбекистон амалиётида технологик рисклар туфайли юзага келган йўқотишиларга қўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Сардоба сув омборининг ўпирилиб кетиши технологик рискка ёрқин мисол бўла олади.

Миллий валютанинг кескин қадрсизланиши натижасида бенефитсиарнинг миллий валютадаги маблағлари хориждан импорт қилинадиган ускуналарнинг тўловини амалга ошириш учун етарли бўлмай қолади. Айниқса, миллий валютаси узоқ йиллардан буён қадрсизланиб келаётган Ўзбекистон учун молиявий рисклар долзарб аҳамият касб етади.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили:**

Хизмат кўрсатиш соҳасининг тез ривожланиши ва унинг иқтисодиётдаги аҳамияти катталигига қарамай ҳозиргacha “хизмат кўрсатиш” тушунчасига умумий таъриф берилмаган. Ф. Котлер таърифида кўра “Хизмат кўрсатиш – ҳаракатлар, манфаатлар ёки қаноатлантиришлар сифатидаги сотиш обьекти”. Бу таърифдан келиб чиқадики, хизмат кўрсатиш сақлаб қўйила олмайдиган ва харидорга моддий шаклга эга бўлмаган мавҳум нарса таклиф қилинади.

Ўзбекистон республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Конунида туристик индустря тушунчаси куйидаги тарзда тарифланади: Туристик индустря - туристик фаолиятнинг туристларга хизмат курсатишини таминловчи турли субъектлар (мехмонхоналар, туристлик комплекслар, кемпинглар, мотеллар, пансионатлар, умумий овкатланиш, транспорт корхоналари, маданият, спорт муассасалари ва бошқалар) мажмуу.

Иқтисодчи олима М.Т.Алимова ўзининг “Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденсиялари” номли докторлик диссертациясида туризм бозорида талаб ва таклифни мувофиқлаштириш, бошқарув концепсияси орқали туристик маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, туризм соҳаси ривожланишининг ташкилий-иқтисодий механизmlарини такомиллаштириш ҳамда худудий туристик кластерни шакллантириш бўйича илмий мулоҳазаларни келтиради<sup>2</sup>.

<sup>2</sup> Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденсиялари (Самарқанд вилояти мисолида) // И.ф.д. дисс. – Самарқанд: СамИСИ, 2017. 25-26-б.

**Тадқиқот методологияси:** Мазкур мақолада Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорлик тизимида туризм фаолиятини тубдан ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган кенг – кўламли амалий ишлар таҳлил қилинган. Мазкур таҳлил жараёнини янада тушунарли ва аниқ бўлиши учун мақолада чизмалар ва жадваллар усулидан фойдаланилган.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси:

Иқтисодиёт тармоқлари таркибида туризм саноати тез суръатлар билан ривожланиб бораётган тармоқлардан бири ҳисобланади. У иқтисодиётнинг маҳаллий ва халқаро туризм хизматлар бозорида яратилаётган товарлар ва хизматларни таҳлил этиш ҳамда уларнинг туризм индустриясини ривожлантиришга кўрсатаётган таъсир доирасини илмий жихатдан чуқур ўрганиш муҳим аҳамият касб этади ва асосий иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ҳал қиласи.

Туристик мажмуалар фаолиятини бошқаришда туристик мажмуалар таркибий қисимларига ёндашувларнинг мавжуд иқтисодий ва ташкилий салоҳиятни ҳисобга олган ҳолда бошқарувни ташкил этиш соҳа ривожланишининг ҳозирги босқичида катта аҳамиятга эга. Бу туристик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги туристик маҳсулотлар ва хизматлар турини яратиш, туристик мажмуалар корхоналари ўртасида горизонтал иқтисодий алоқалар даражасини кенгайтириш, туризмда иқтисодий оқимларнинг интенсивлигини ошириш ва соҳа фаолияти билан боғлиқ тармоқларнинг зарурий даражадаги интегратсияси билан боғлиқдир.

Айни пайтда 93 хорижий давлат фуқаролари учун визасиз кириш, 56 давлат учун электрон кириш визаси, 47 давлат учун беш кунлик транзит визасиз кириш, шунингдек, 76 давлат учун туристик виза беришнинг енгиллаштирилган тартиби белгиланди<sup>3</sup>.

Туристик мажмуалар фаолияти бошқарувининг ташкилий-иктисодий механизимларини таҳлил қилиш ва унинг самарадорлигини баҳолашда SWOT-таҳлилидан кенг фойдаланилади. Бу турдаги таҳлилни амалга ошириш орқали туристик мажмуанинг кучли ва кучсиз тарафларини аниқлаш орқали туристик мажмуалар фаолиятида кутилаётган рискли вазиятлар ҳақида тегишли хulosаларга келиш мумкин бўлади. SWOT-таҳлили қуйидаги тўрт йўналиш асосида амалга оширилди:

<sup>3</sup> <https://kun.uz/uz/news/2023/10/16/ozbekistonda-turizm-sohasi-2017-2023-yillarda-islohotlar-qanday-natijalarga-olib-keldi>

- “Strengths” туристик мажмуанинг кучли тарафлари – яъни, туристик маҳсулотлар ва хизматлардан фойдаланиш учун ўсиб бораётган барқарор реал талабнинг мавжудлиги;
- “Weaknesses” туристик мажмуанинг заиф жиҳатлари – туристик мажмуани шакллантириш учун зарурӣ инфратузилма тизими ва бошқарувнинг кластерли ёндашуви етарли даражада шаклланмаганлиги;
- “Opportunities” туристик мажмуанинг имкониятлари – туризм соҳасини ривожланиши борасидаги минтақавий ва давлат дастурларининг амалга оширилиши;
- “Threats” хавф-ҳатарлар/рисклар – туристик маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳасида халқаро технологик тараққиёт даражасидан ортда қолиш каби салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг мавжудлиги.

Туристик мажмуалар таркибида фаолият кўрсатувчи туристик корхоналар бошқарув самарадорлигини баҳолашда аксарият бошқарувчилар факатгина миқдор кўрсаткичларни қиёсий таққослашга асосланадилар. Бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг мазкур услубиёти корхона амалиётига жорий этилаётган бошқарув механизмларининг даромадлилик ва рентабеллиги даражалари ўртасидаги нисбатларни қиёсий таққослашга асосланади. Иқтисодий адабиётларда корхона бошқаруви самарадорлигини миқдорий кўрсаткичлар асосида баҳолашнинг қўйидаги усуллари шаклланган: абсолют усул, қиёсий таҳлил усули, аралаш усул.

“Ўзбекистонга келган хорижий туристлар сони 2017 йилда 2,7 млн нафар бўлса, 2022 йилда 5,2 млн, 2023 йил ўтган 9 ойида 4,3 млн.ни ташкил этмоқда. Туристларнинг мамлакатимизда ўртacha қолиш муддати 4–5 кунни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 бараварга ортди.

Ҳар бир хорижий туристнинг республика худудида бевосита саёҳат харажатларидан ташқари сарфлайдиган ўртача маблағ суммаси 2017 йилда 197 АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2023 йилда 400 АҚШ долларига етди ва туризм экспорти ҳажми 2023 йил 9 ойида 1,72 млрд долларга етди.

Маҳаллий (ички) сайёҳлар сони ҳам 2017 йилга нисбатан 107 фоизга ўсиб, 14,9 миллион нафарни ташкил қилди”<sup>4</sup>.

Юқорида келтириб ўтилган туристик корхоналар бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг турли илмий-назарий усулларини умумлаштирган ҳолда, бугунги кунда умумқабул қилинган ягона баҳолаш амалиёти шаклланмаган деган холосага келиш мумкин бўлади. Туристик корхоналар бошқаруви самарадорлигини баҳолаш мақсадида амалга

<sup>4</sup> <https://kun.uz/uz/news/2023/10/16/ozbekistonda-turizm-sohasi-2017-2023-yillarda-islohotlar-qanday-natijalarga-olib-keldi>

оширилаётган тадқиқотларнинг мақсади, вазифалари, обьекти ва унинг предметидан келиб чиқкан ҳолда иқтисодчи олимлар томонидан турли баҳолаш услубиётларидан параллел равишда фойдаланилишини кузатиш мумкин бўлади. Мазкур вазиятни инобатга олган ҳолда, мамлакатимиз амалиёти учун хос бўлган нафақат туристик корхоналар балки, у хўжалик фаолияти юритаётган тармоқнинг яхлит ҳолда бошқарув самарадорлигини комплекс баҳолашнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

### ***1-чизма. 2020-2023-йиллар оралигига хорижий сайёҳлар сони<sup>5</sup>.***



2020-йилда мамлакатимизга 7 миллион нафардан ортиқ хорижий сайёҳ ташрифи кутилганди. Бироқ, оғир пандемия шароитида барча соҳалар қатори туризм ҳам қаттиқ зарбага учради, сайёҳлар сони сезиларли даражага камайди. Яъни 2020-йилда республикага 1,5 миллион нафар сайёҳ келган, 261 миллион долларлик туризм хизматлари экспорт қилинган.

2021-йилда Ўзбекистонга нисбатан кўпроқ – 1,9 миллион нафар хорижий сайёҳлар келган ва 422,1 миллион долларлик туризм хизматлари экспорт қилинган.

2022-йилда туристлар сони яна кескин ўсиб, қарийб 5,2 миллион нафар хорижий сайёҳлар Ўзбекистонга ташриф буюрди ва кўрсаткичлар 2017-йилга (2,7 миллион нафар) нисбатан 1,9 бараварга ўсади. Ўтган йили туризм хизматлари экспорти ҳажми ҳам ошиб, 1,6 млрд долларга етган (2017-йилда 531 миллион доллар бўлган).

<sup>5</sup> <https://daryo.uz/2023/02/04/ozbekistonda-turizm-kecha-va-bugun>

Худудларда туристик мажмуаларни шакллантириш ва бошқаришда күйидагилардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ;

- Минтақанинг мавжуд табиий салоҳиятидан оқилона фойдаланиш;
- Минтақа ҳудудида юқори самарали ва рақобатбардош туристик мажмуани яратиш ва ривожланиши;
- Туризм соҳасидаги тадбиркорликнинг турли кўринишлари ривожланишини қўллабқувватлаш.

### Хулоса ва таклифлар

Фикримизча, туристик мажмуалар фаолиятини бошқарув амалиётида ривожланиш холатини баҳоловчи усуллардан фойдаланишда туристик мажмуаларнинг фаолият қўрсатиш тенденсиялари ва қонуниятларини таҳлил қилиш ҳамда бошқарув стратегиялари тамойиллари асосида унинг рақобатбардошлигини ошириш зарурлиги баҳоланади. Барқарорлик – туристик мажмуа фаолиятининг натижадорлигидан, рақобатбардош салоҳиятини амалга оширишдан, рақобатбардошлик эса – туристик мажмуаларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатиш қувватларидан самарали фойдаланиш ҳамда рақобатбардош туристик маҳсулотларни ишлаб чиқаришдаги имкониятини белгилашдан иборат бўлганлиги учун, бу тушунчаларнинг бирга қўшилишини ҳисобга олиш, туристик мажмуага ўз рақобатбардошлигини оширишнинг оптималь стратегиясини шакллантириш имконини беради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли фармони.
2. Тишуков Ю.В. Потребитель на рынке туристических услуг. –Ростов-на-Дону: Феникс, 2007.4-бет.
3. Биржаков М.Б. Туристические услуги, работы, товары. –Москва–СанктПетербург: Издательство «Невский фонд» – «Издательский дом Герда», 2003. С.108.
4. Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида) // И.ф.д. дисс. – Самарқанд: СамИСИ, 2017. 25-26-б.
5. Сурков С.Г. Международный туризм в России: проблемы развития и управления / С.Г. Сурков, В.И. Криворучко. – М.: Советский спорт, 2009. – 214 с.
6. Рамадонова М.М., Макарченко М.А. Государственное регулирование туристической деятельности //Альманах научных работ молодых ученых университета ИТМО. – 2016. – С. 211-213.